

# YOSHILAR OVOZI

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2018 йил 5-6 июль кунлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади. Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

## MUNOSABAT

### БУ КУННИ УНУТМАЙМАН!

Юртимизда кенг нишонланган Ёшлар куни ҳаётимизда ўчмас из қолдириди. Шу кунни биз, Ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши қошидаги "Ёш репортёрлар" клуби аъзолари Нукус шаҳридаги байрам шодиёналарини оммавий ахборот каналлари орқали тезкор ёритиб бордик.

"Истиқлол" болалар дам олиш масканида ташкил этилган ёш рассомлар ва хунармандлар кўргазмаси, китобхоналик викторинаси, бўш иш ўринлари ярмаркаси, спорт мусобақалари ва бошқа ранг-баранг тадбирларда юзлаб йигит-қизлар қатнашди. Айниқса, илмга ташна тенгдошларимиз викторинада ҳозиржавоб бўлиб, совға тариксида таниқли ёзувчиларнинг асарларини қўлга киритганини айтмай-сизми.

Бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам самарали яқунланди, 9-оилавий поликлиникага умумий амалиёт шифокори сифатида ишга жойлашган Тошкент тиббиёт академияси битирувчиси Гузал Қайипазарова билан суҳбатлашар эканман, унинг "Ёшлар иттифоқидан

беҳад миннатдорман", деган самимий хитоби қалбимни жунбишга келтирди.

Спорт мусобақаларида тенгдошларимнинг фаоллигини кўриб янада қувондим. Шашка баҳсларида 1- ва 2-ўринлар бир оила фарзандлари — Элбрус ва Элиза Камилжановаларга насиб этгани-чи. Мана сизга шижоату омад! Кечга томон "Турон" стадионида ҳамма интиқлик билан кутган гала-концерт бошланди. Ёшлар иттифоқининг еттига туман кенгаши раисига хизмат автомобиллари топширилганини бутун ўйингоҳ гулдорос қарсақлар билан олқийшди.

Концерт сўнггида Ёшлар Иттифоқ кўшигининг жўрвозда куйлади. Биз эса, ўша ҳаяжонли даҳзаларни дақиқа ўтмай ижтимоий тармоқлар орқали хабар ва фотолар шаклида ёритиб бордик. Минг-минглаб қоракўзларни буюк мақсад атрофида жипслаштирган ана шундай байрамлар давомли бўлсин! Зеро, тинч юртга байрамлар ярашади.

Гулбону АБАТБАЕВА,  
"Ёш репортёр" клуби аъзоси

## ESHITDINGIZMI?

### ЎТОВ ИЧИДАГИ КИНОТЕАТР

ва бошқа ноу-хауларни Бўстонлик туманидаги Ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтган "Ёш инновациячи" кўрик-танловининг республика босқичи давомида кўриш мумкин эди.



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳада ҳудудлардан сараланган 42 нафар йигит-қиз техника, тиббиёт, туризм, таъсирий санъат, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларидаги иختиरोларини намойиш этади. Айниқса, беморнинг касаллик тарихини тез ва бехато тузишда асқатадиган Klinik.uz электрон тизими, юртимизнинг истаган шахрини виртуал томоша қилиш имконини берадиган "VR TOUR UZBEKISTAN" мо-

биль иловаси, ўтов ичидаги 60 ўринли кинотеатр макети кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ишланмаларни малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Бунда лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилади.

Танлов доирасида ўқув-семинарлари ҳам ташкил қилиниб, ёшлар етук олимларимиз билан учрашди.

Ғолиблар, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Беҳзод ШАРИПОВ

## ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль кунини ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, сиёсий партиялар раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этади.

Таъкидланганидек, ҳар бир ёш жамяятда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш кейинги йилларда амалга ошириладиган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ёшлар билан ишлашда янги тизим ва ёндашувлар амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимизда 30 июнь Ёшлар куни сифатида биринчи марта кенг нишонланди.

Аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор берилмапти. Ташкилот ўтказиладиган айрим тадбирлар дабдабасиз, ўзини "кўз-кўз" қилишга ўхшаб қолаётди. Жойлардаги 4 сектор раҳбарларининг ақсарияти ҳали ёшлар масаласи билан фаол шуғулланмапти. Ички ишлар идоралари, маҳалла кўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлагининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатаётти, деб бўлмайдди. Аксинча, бу масъул лавозимлар айрим ҳолларда вазант бўлиб қолмоқда.

Бунинг оқибатида ёшлар жиноятга қўл уришининг олди олинмапти. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қариб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида, айниқса, юқорилигича қолмоқда. Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарё вилоятида 43, Жиззах вилоятида 42 фоизга тенг.

Афсуски, нафақат уюшмаган ёшлар, балки коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида ҳам жиноятларни сезиларли даражада камай-

тириш таъминланмапти. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 371 ўқувчи жиноят содир этган. Коллеж ўқувчилари жиноятлари сони Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кескин ошган. Мактаб ўқувчилари жинояти асосан Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида вояга етмаганлар томонидан қўтиллик жиноятлари содир этилгани янада аянчлидир. Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1 минг 700 га яқин вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчилари.

Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларига ёшлар билан ишлашни тақомиллаштириш, қаровсизлик ва назоратсизликнинг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган аниқ тақдирлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Айни пайтда ички ишлар идораларида профилактика қисбида турмуш боғини етказиб қўйиб, уларнинг ўзини ташкил этилаётган "Тарбия-спорт оромгоҳлари" ишини тўбдан қайта кўриб чиқиш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирларни амалга ошириш зарурияти таъкидланди.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илдизи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. 1 минг 700 дан зиёд меҳнат ярмаркаси ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизигина ишга жойлаштирилгани, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узок мuddатга чөл элларга чиқиш кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш бўйича Тошкент вилоятининг Кўйи Чирчиқ тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги тизим синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун мутасадди идоралар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўзига акс эттирган туман паспортлари ишлаб чиқилди.

Кўйи Чирчиқ тумани мисолида оладинган бўлса, бу ерда ёшларнинг ҳисоб-ботларда кўрсатилганидек 2,5 мингга эмас, балки 6,3 мингдан зиёда ишсиз экани аниқланган. Туман ёшларини қийнаб келаётган муаммоларнинг ақсарияти жойида ҳал этилган.

Ижтимоий-иқтисодий вазият ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигидан келиб чиққан ҳолда, тумандаги 37 та маҳалланинг 13 таси "оғир", 18 таси "қониқарсиз" ва 6 таси "қониқарли" тоифага ажратилиб, уларни босқичма-босқич "яхши" тоифасига ўтказиш бўйича манзилли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, "Ёшлар меҳнат гузарлари" ташкил этиш учун бино ва ер майдонлари ажратилди, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва бошқа тадбирлар натижасида 1 минг 200 дан зиёд ишсиз ёшнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик фаолияти учун ёшларга 2,3 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ушбу тажриба асосида Ёшлар куни арафасида "Ёшлар — келажгимиз" Давлат дастури тасдиқланди ва уни барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошланди. Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида "Ёшлар — келажгимиз" жамғармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилади. Дастурда ҳар бир туманда ажратилмаган кредит ҳажми ва уни олувчилар сони, кредит берилмаган фаолият йўналишлари, бунинг натижасида яратилиши зарур бўлган иш ўринлари миқдори аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир фермерга биттадан банд бўлмаган ёшнинг бириктириш кўза тутилган.

Давлатимиз раҳбари муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлар орасидан 2 ҳафта мuddатга Жамғарманнинг туман ва шаҳар филиаллари раҳбарларини тайинлаш, Инвестиция ва Ижтимоий масалалар комплексларининг республика ва ҳудудий органлари ҳамда тижорат банклари ходимларининг 30 фоизини лавозими ва иш ҳақини сақлаган ҳолда, янги тузилмага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Дастур ижросини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Бош вазирга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси аъзоларини ҳар бир ҳудудга шахсан масъул этиб бириктириш ҳамда улар бошчилигида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари ва вилоят прокурорларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар ҳафта камида икки кун уюшмаган, ҳеч қаерда ишламайдиган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиши, энг аввало, бандлигини таъминлаш чораларини кўриши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда ёшларни маънави баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт гоғлар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа мадания-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, им-фан, спорт ва амалий

санъат тўғрақларига фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш зарур. Фарзанд тарбияси ва юриш-туришидан оғоҳ бўлмасак, уларни илму-ҳунарга ўргатмасак, кўзи меҳнатга қотмасак, муносиб иш топиб бермасак, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига ёшларни маънави баркамол этиб тарбиялаш, уларда мафқуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда ушбу долзарб ишга сенаторлар, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини фаол жалб этиш заруриги алоҳида таъкидланди. Зотан, халқ вакиллари сифатида депутатлар корпуси ёшлар келажига учун ҳаммадан ҳам кўпроқ жон куйдириши лозим. Улар жойларда сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини тўбдан тақомиллаштириш, амалий урчуш ва тадбирлар орқали мазкур Дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, ҳудудларда фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳларга амалий ёрдам қўрсатиши зарур.

Вояга етмаган қизлар ўртасида эрта турмуш ва туғруқлар сони кўпайгани билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Афсуски, эрта турмуш куриши ва ажрашиш муаммоси бўйича жойларда фақатгина ота-оналарни айбдор қилиш билан чекланиш ҳоллари кузатилаётди. Аслида бўлар иш бўлганидан кейин эмас, балки салбий ҳолатларни юзага келтирмаслик учун олдиндан манзилли ишлаш тизимини жорий этиш керак.

Шу муносабат билан Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ва йўналишдаги ишларни танқидий қайта кўриб чиқиш ва таъсирчан чора-тадбирларни белгилаш вазифаси топширилди. Видеоселекторда мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар ҳам бўлгани боис айни кунлардаги яна бир долзарб масала — гуза парварлиги билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил об-ҳавонинг қуруқ ва салқин келиши сабабли гуза ривожига 10-15 кунга, баъзи жойларда 20-25 кунга кечиккани қайд этилди. Гуза парварлишидаги қоқолатланган ҳосил яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 5 июлдан 5 сентябрга қадар "Ҳосилга-ҳосил қўйиш" долзарб икки ойлиги" эълон қилинди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

## XORIJ DAN DARAKLAR

### Йўналиш — Европа



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ёш дизайнерлар кенгаши ва мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонаси ҳамкорлигида Лондон шаҳрида ўзбек миллий либослари намойиши ўтказилди. Унга ҳаҳон мода оламининг танқиди вакиллари тақлиф этилиб, соҳадаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ҳамкорлик масаласини муҳокама қилди. Истеъодли ёш дизайнеримиз

"@mon\_sheri\_iii" бренди асосчиси Ширин Эгамбердиева яратган либослар тўплами меҳмонларда катта таассурот қолдириди. Шу аснода Лондон мода ҳафталиги сари дастлабки қадамни ташлади. Олинда бизни Милан, Берлин, Польша мода ҳафталиклари кутмоқда.

Дилноза УМРЗОҚОВА,  
Республика ёш дизайнерлар кенгаши раиси

## IBRAT

### НАМУНАЛИ ТҮЙЛАР — ФАЙЗЛИ ТҮЙЛАР



Ёшлар иттифоқининг Термиз тумани кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан бирга беш нафар ёш жуфтликнинг никоҳ тўйини намунали тарзда ўтказиб берди.

Воқеа сабабчилари орасида Шўрчи тумани 30-умумтаълим мактабидagi ёшлар етакчиси Жўрабек Ҳасанов ҳамда Термиздаги 14-умумтаълим мактаби етакчиси Зайниддин Ҳайитов ҳам бор. Иккала йигитнинг тўйи дусту яқинлари даврасида дабдабасиз ва файзли ўтди.

— Тўйдан кейинги машамаларга кўп гувоҳ бўлганман, — дейди З.Ҳайитов. — Бир кунлик тантаная фалон сўм харажат қилгандан кўра, эҳтиёжмандларга ёрдам берайлик. Шахсан ўзим иқтисод қилинган маблағни хайрли амалларга сарфламоқчиман.

Кўзгалта тумани "Айрончи" маҳалласида бўлиб ўтган Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юрти курсанти Беҳзод Ортиқовнинг тўйига ҳам кўпчилик ҳавас қилди. Бугунги ватан ҳимоячисининг ота-онаси ўғлини дабдабасиз уйлан-

тириб, маҳалладошларига урناق кўрсатди.

— Уйдагилар билан маслаҳатлашиб, тўйда 130 кишини меҳмон қилдик, — дейди Беҳзод. — Бу ташаббусни Ёшлар иттифоқи ҳам қўллаб-қувватлаб, бизга ажойиб тўйна туҳфа қилди.

Ўтказиб берди. Тақлиф этилган меҳмонлар ёшлар қувончига шерик бўлди. Шодиёна сабабчиларига ёшлар ташкилоти номидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
Дилқушо НАВРҲУЗОВА,  
Абдужалил АБДУРАҲИМОВ

ЎЗА



SPORT

FIFA WORLD CUP  
RUSSIA 2018

## МУНДИАЛНИНГ ГРАНДЛАРГА КУТИЛМАГАН "СОВФА"СИ

Ш.ЭРКИНОВ

Футбол бўйича жаҳон чемпионатидаги қарашлар, кучлар ўзгармоқда. Исталган рақибга қарши тўғри тактика ва шижоат билан тўп сурилса, галаба қозониш мумкинлигини сўнги кунларда Россия яшил майдонларида кечаётган қизгин баҳслар яққол намойиш этди.



Аввалига Эрон гуруҳда тенга-тенг ўйнади. Жанубий Корея ўзи учун муҳим бўлмаган беллашува амалдаги чемпион — Германияни мағлубиятга учратди. Мана энди нимчорак финал беллашувлари ҳақида сўз юритсак.

Футбол — жамоавий ўйин. Буни Аргентина термасининг гуруҳ баҳсларидаги иштироки мисолида ҳам кўрадик. Бироқ бу босқичда кумушли дийёр вакиллари Франция билан кечган беллашува ҳар жиҳатдан мағлуб бўлди. 19 ёшли Мбаппе Мессининг орзусини яна камда тўрт йилга кечиктирди. Хайр, Аргентина!

Ҳозир футбол дейилганда Месси ва Роналду кўз олдимизга келади. Бу иккиси ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бирини тўлдириб турмаса футбол жозибасини йўқотгандек кўринади. Мундиалда ҳам шундай бўлди. Аввалига Месси пеналтини аниқ амалга ошира олмади. Вақт ўтиб хато қилиш навбати Роналдуга етди. Бундан ташқари, "ўзга сайёралик" дея таърифланувчи икки юлдузнинг бир кунда мусобақа билан хайралагани муҳлислар учун қутилмаган ҳодиса бўлди. Уругвай Португалия устидан зафар қозondi. Кўпчилик кутган чорак финалдаги Аргентина-Португалия қарама-қаршилиги чиппақка чиқди.



Мусобақа бошланишидан аввал кўпчилик мутахассислар ва футбол ихлосмандлари томонидан аёвсиз "саваланган" россиялик футболчилар кўпга қолмай танқидчиларга муносиб бўлган беллашувлари ҳақида улар гуруҳ ўйинларини муваффақиятли ўтказган бўлса, нимчорак финалда мундиал фаворити Испанияни тартибли химоя ва дарвозабоннинг маҳорати эвазига тор-мор этди.

Хорватия ва Дания ўртасидаги беллашувнинг сценарийси ҳам юқоридаги баҳсга ўхшаш. Асосий вақтда дуранг натижа қайд этилиб, пенальтиларга мурожаат этилди. Хорватларнинг омади келиб, скандинавияликларга қайтиш чиптасини "тортиқ этди".

Мундиалда барчага ўрнатилган Япониянинг Бельгияга қарши ўйини драматик рўҳда кечди. Аввалига японлар икки тўп фарқи билан олинган чиқиб олган бўлса-да, яқинда матонат кўрсатиб, ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда галабани илб кетди.

Мексиканинг галабага бўлган интилиши чарм тўп афсунгарлари — бразилиялик футболчиларни мағлубиятга учратолмади. Ҳакамнинг тўп сурган пентакампеонлар Неймар ва Фирминонинг голлари эвазига галаба қозondi.

Швеция ва Швейцария учрашувида Эмиль Форсберг киритган ягона гол шведларга чорак финал чиптасини тақдим этди.

Сўнги ўйин — Англия ва Колумбия баҳсида асосий ва қўшимча бўлимларда голиб аниқланмагач, пенальтилар сериясида инглизларнинг қўли балан келди.

Шундай қилиб, нимчорак финал беллашувлари якунига етди. Энди мундиал 6 июль кuni Франция ва Уругвай баҳси билан давом этади.



## YURTIM MANZILLARIDA

Инсон амаллари билан гўзал. Ҳаётимизга ёрқинлик, фаровонлик олиб кириш ҳам ўз қўлимизда, аслида. Бугун Ўзбекистонда ҳалол меҳнат қилаётган зот борки, келажигини аниқ тасаввур қилиб, эртаси бугунидан баҳаловат бўлишига ишонган ҳолда яшамоқда. Орзу-умидлар ҳам шунга яраша — юсак. Сабабини сўрашга шошилманг. Яхшиси, теварак-атрофга теран назар солиб, сўнги бир-икки йиллик умрингиз, шу қисқа вақт мобайнида юртимизда олиб борилган ислохотлару одамлар кўз ўнгида рўй берган ўзгаришларни тафтиш қилиб кўринг... Рост айтасиз, биродар, биз тараққиёт йўлида анча илдамлаб қўйибмиз.

Ҳар-ҳар замонда жамият ичида ўзни намоён қилиб турган ижтимоий тушкунлик кайфияти мана энди, ижтимоий фаоллик, шу Ватанга керак бўлиш ва умумий саъй-ҳаракат асосида уни ривожлантириш истаги билан алмашган. Давлатнинг халқни рози қилишга йўналтирилган сиёсати ҳали қутилган натижани бергани йўқ. Жараён давом этапти.

Аммо ҳозирданоқ бир нарсани тўлиқ ишонч билан айта оламиз — бу сиёсат халқ иродасини тоблаш, минг-минглаб мудроқ қалбларни уйғотишга хизмат қилди. Шунинг ўзи катта гап!

Роппа-роса икки ой муқаддам Наманганнинг Норин туманида антиқа бир тажрибага қўл урилганди. Давомли ўрганишлардан сўнг, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи мазкур ҳудудни ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича бутун республика учун намунали туманга айлантиришга қарор қилади. Ўрни келганда эслатиб ўтсак, ўшанда ҳали бир ёшга ҳам тўлмаган, аммо шаҳду шижоати ҳавас қилгулик даражада бўлган бу ташкилот Норинни жиноятчилик, ичкиликбозлик ва оилавий ажримлардан холи ҳудудга айлантириш ғоясини ҳам илгари сурган. Хулмас, вақтни пайсалга солмай, бутун бошли "ёшлар армияси" — Иттифоқ ходимлари, етакчи ва фаолларидан тортиб, кўпнинг ишига бош қўшишни инсоний бурчи деб санаган ва туманига янги ҳаво олиб киришни астойдил истаган юзлаб норинлик йигит-қизлар энг шимариб, залворли миссияни адо этишга киришди. Зарбдор ўттиз кунлик ичида Норинда қандай ишлар бажарилгани билан яқиндан танишиш мақсадида водийга йўл олдик.

## УМУММАНФААТ УЧУН ИШЛАШ НИМА ДЕГАНИ?

Илк кунимиз Наманган шаҳрида ўтди. Сизга айтсак, Иттифоқчилар орасида урф бўлган норасмий таомил бор — келган меҳмон, албатта, Ёшлар марказига олиб борилади. Гуллар шаҳри вакиллари ўзларидаги ана шундай қошона билан (аятга тганимиз муболага эмас!) том маънода фахрланса арзийди. Бинонинг ички ва ташқи интерьеры, гўзал тарзда безатилган ва юзлаб чироқлар ёрдамида ёритилувчи холл, замонавий мебель жиҳозлари ўз йўлига. Иншоотнинг эшигу деворларига сингиб кетган ёшлик завқию шижоати, улғурлик руҳи, таърифига сизмас ва фақат ҳис қилса бўлмаган бетакрор манзара кишини маънан қувватлантиради. Беихтиёр уйга толасан: миллатга маърифат улашиши ҳаётининг маъносига айлантирган жадид боболаримиз, хусусан, Наманган фарзанди — Исҳоқон Иброт ҳам ёшлар ана шундай шароитда камол топишини орзу қилмаганми? Қилганди, албатта!

Кўзни чирт юшиб, хаёлан марказдаги муҳитни, бу ерда ҳар кунлик жараён қандай кечиши мумкинлигини тасаввур қиламиз. Олис-яқиндаги туман мактаблари дарсини тугатган унлаб, балки юзлаб ўқувчилар автобусага ўтириб, Ёшлар марказига ошиқди. Улар учун йўл-масофанинг аҳамияти йўқ, бирлашиш, янги билим олиш, биргаликда ижтимоий фойдали лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш муҳим. Аминимизки, биронтаси ҳам толиқдим, менга нима зарур, деган гапни айтмайди. Умумий манфаатни кўлаб ишлаш аслида мана шунақа бўлади!

## БИР ОЙДА 600 МИНГ КИТОБ — ЧАККИ ЭМАС!

Наманган вилояти "Камалак" болалар ташкилоти раиси Дилноза Акромова бизни учинчи қаватга бошлайди. "Мана, бу кутубхонамиз, — дейди ҳамроҳимиз шинамгина зални кўрса-

тиб. — У Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қурбанбаевнинг ташаббуси билан ташки этилиб, атиги бир ойда 600 минг китоб фондига эга бўлди. Аксариятини Иттифоқ тақдим этган, яп-янги жиҳозлар ҳам совға тариқасида берилди. Кутубхона эшиклари туну кун очик. Истовчилар керакли адабиётни уйига олиб кетиши мумкин. Биласизми, ҳозир мазкур мактадан ёшлар туғул, ҳатто атрофдаги маҳаллалардан китобсевар фуқаролар келиб фойдаланяпти".

Стул теварагида бир гуруҳ ўқувчиларнинг баҳсини кузатамиз. Орасидан жуссаси энг кичиги давра марказида. Ҳаммага бош бўлиб, нималарнидир жон куйдириб тушунтирмақда. Футболкасидаги ёзувини ўқиб, қаршимиздаги болалар "Камалак" сардорлари эканини англадик. Улар "Ёзни Камалак" билан" лойиҳасини муҳокама қилаётган экан.

— Яқиндагина барча мактабларда "Биз сен билан!" акциясини ўтказгандик, — дейди Чуст туманидаги 66-умумтаълим мактаби



Мактабда яратилган шароитлардан ҳайратга тушасан, киши. Бунақанги илғор таълим масканини юртимизнинг бошқа ҳеч жойида учратмайсиз.

7-синф ўқувчиси, "Камалак" болалар ташкилотининг вилоят сардори Мустахроҳон Набиқонова. — Бу лойиҳа ҳар ойда амалга ошири-



лади. Ўқувчилар саратон ва оқ қон касалликларига билан оғриган болаларга эзгу тилаклар битиб, турли

аравачаси ва ўқув қуролларини олиб бергандик. Бошқаларга нафимиз тегиб, яхшилик улаша оялғизми, демак, ҳаракатимиз зое кетаётгани йўқ. "Камалак"нинг мақсади ҳам ёшларни эзгуликка бошлаш, фаоллигини оширишдан иборат.

Фурсатдан фойдаланиб Ёшлар марказидаги бир қанча тўғарақларга кириб кўрдик. Тикувчилик, заргарлик сирлари, рақс санъатини кунт билан ўрганаётган, миллий мусиқа, инглиз ҳамда рус тилларидан сабоқ олаётган ўғил-қизлар кўзидеги нур ҳавасимизни келтирди. Келажигимиз бунёдкорлари деганда Президентимиз, шаксиз, мана шундай қалб қайноқ, илмга ташна, тиниб-тинчимас ёшларни назарда тутган. Бугун улар халқ ишончини оқлашга, юрт қорига ярашга, давлатнинг оташин даъватларига "лаббай", дея жавоб бермоққа тайёр.

## ТўРТА ТИЛ КАМ, ЕТТИТА КЕРАК

Ватан тараққиётига беиннат ҳисса қўшишга шай ёшларни Тўрақўрғон



туманида ҳам учратдик. Едингида бўлса, жорий йилнинг 2 май кuni давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига ташрифи чоғида туманда барпо этилган Исҳоқон Иброт мажмуаси билан танишган эди. Бугун ана шу файзли гўша наинки Тўрақўрғон аҳли, балки барча наманганликлар қалбида бағр-ифтихор туйғусини уйғотмоқда. Маъмурдан ўрин олган музейда Исҳоқон Тўра Ибротнинг жушқин ҳаёти ва сермахсул ижодидан гувоҳлик берувчи талайгина экспонатлар жамланган. Закий бобимиз ўн иккита тилини мукамал билгани ҳақидаги факт ташриф буюрувчиларни ростмана лол қолдиради. Аммо биз — не-не улуғ мутафаккиру алломалар меросхўрлари бўлиш ёшларга ҳавас қилишнинг ўзини ярашмайди. Ахир, юртимизда замонавий таълим олиш учун озмунча имкониятлар яратилганми? Демак, Ўзбекистон фарзандларининг бугун ҳам турли забонларни

бемалол ўрганиб, жаҳон илмини сув қилиб ичишга қурб етади. Худди шу мақсадда Президентимиз тақлифига биноан Иброт мажмуасида чет тилларига ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб, ёнида эса, 200 ўринли ётоқхона қуриб битказилди.

Мактабда яратилган шароитлардан ҳайратга тушасан, киши. Бунақанги илғор таълим масканини юртимизнинг бошқа ҳеч жойида учратмайсиз. Ўн икки тилдаги ўқув адабиётларининг энг сўнги нашрларини айнан шу ердан топиш мумкин. Шинам ва ёруе синфлар, лингафон хоналарида ўқувчилар исталган тилни бемалол ўргана олади. Машғулотлар мароқли, муҳими, максимал самара билан ўтиши учун барча қудайликлар яратилган. Ҳеч бир элемент эътиборсиз қолдирилмаган. Ҳатто мебель жиҳозларининг дизайнига пухта ўйланган. Ҳа, бундай шароитда маза қилиб ўқиш-ўрганиш қолади, холос.



Ҳар-ҳар замонда жамият ичида ўзни намоён қилиб турган ижтимоий тушкунлик кайфияти мана энди, ижтимоий фаоллик, шу Ватанга керак бўлиш ва умумий саъй-ҳаракат асосида уни ривожлантириш истаги билан алмашган. Давлатнинг халқни рози қилишга йўналтирилган сиёсати ҳали қутилган натижани бергани йўқ. Жараён давом этапти. Аммо ҳозирданоқ бир нарсани тўлиқ ишонч билан айта оламиз — бу сиёсат халқ иродасини тоблаш, минг-минглаб мудроқ қалбларни уйғотишга хизмат қилди. Шунинг ўзи катта гап!



## УЙҒОҚ ХАЛҚНИНГ ШИЖОАТИ

Мактабнинг 10-синфига қабул қилинган Миржалол Ҳайдаралиев бизни тўртта — инглиз, рус, немис ва француз тилларида қўлади. Бироқ у бу билан чекланиб қолмоқчи эмас.

— Каммида яна учта тилда эркин мулоқот қилишни хоҳлайман, — дейди шахд ила Миржалол. — Бизда ўзи қанда шундай — мактабни тамомлагувчи еттита тилни ўрганиб чиқишинг шарт! Ана шунда Президентимиз олдимизга қўяётган талабларни бемалол бажара оламиз. Бугун Ўзбекис-

даги автомобиль трассасига етказиб қўйди. Ҳадемай, бу ерда югуриш марафони бошланиши керак. Старт чизигида юзлаб хотин-қизлар ҳақамнинг хуштагини пойлаб турибди. Фурсатдан фойдаланиб, ёнимдаги аёлни савола тутаман.

— Бундай мусобақаларда тез-тез қатнашиб турасизми?


— Ҳар яшанба кунини! — дейди опа. — Икки ойдан бери шу ерга келиб югураман. Ёшлар иттифоқига раҳмат, спортга иштиёқимизни яна алангалатди. Шунча аёлни кўряписми,

Яқинда бир гуруҳи бизга сузиш ҳавзасини қўриб беринглари, деб илтимос билан чиқди. Йўқ демадик, сармоя қидиряпмиз. Инсон ғайрат қилса, ўзи ва атрофдагиларнинг ҳаётга муносабатини ўзгартириши мумкин экан. Турмушимиз оғир, шароитимиз етмайди, ҳаёт шу эканда, деб нолийверсак, вазият ўнганмайди, аксинча, бундан баттар бўлиб бораверади. Қаранг, давлатимиз халқ тўқин яшаши учун шунча ислохотларни амалга оширяпти. Томорқамиздаги бир парча ердан даромад

бир ой бўлди. У ёшидан қатти назар, барча фуқароларга хизмат курсатади.

— Юз мингдан ортиқ китоб фондимиз бор, — дейди кутубхона раҳбари Гулнора Умарова. — Электрон базада яна 50 мингдан зиёд адабиёт жамланган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига ҳам уланганмиз. Бу ўқувчиларга ниҳоятда қўл келмоқда.

Кутубхоначи айтганича бор экан. Норин қишлоқ ҳўжалиги коллежи ўқувчиси Ҳасанбой Боқиқоновни мисол қилиб олайлик. Илгари



Р. НАЗАРМАТОВ  
Ж. ЭРКИНОВ

**Асфальтланмаган тупроқ йўл. Икки ёндан турнақотар тизилган пастқам хонадонлар. Аксарияти пахса девор билан ўралган, азбаройи қаровсиз қолганидан нураб бормоқда. Наҳотки, халқ шу алфозда йиллар давомида яшаб келаётган бўлса?!**



тон ёшларининг елкасига залворли вазифа юкланган — дунё билан рақобатлаша олишимиз, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни намоён этмоғимиз керак. Ишончим комилки, юксак билим ва маърифатгина бизни ёруғ манзилларга етказса олади.

Миржалолга ўшаган фикри теран, қатъиятли, Ватанини чин дилдан севувчи ёшларнинг борлиги, улар ҳар дақиқасини ғанимат билиб, пухта билим олишга ошқабган бахтимиз, албатта. Эртага мамлакатни ана шундай забардаст йигит-қизлар бошқаради, халқаро майдонда Ўзбекистонимиз нуфузини ошириш, шону шавкатини юксалтириш ҳам уларнинг қўлида. Демак, таълимга киритилаётган сармоя ўзини оқлаши, давлат ва миллатга

улар бировнинг қистови билан мусобақада иштирок этаётгани йўқ. Ўзлари ҳоҳлаб келган. Ёшим қирқдан ошди, Норин туманидаги 39-мактабгача таълим муассасасида ошпаз бўлиб ишлайман. Иш, рўзгор ташвишлари билан бўлиб соғлиққа эътибор қилмай қуйибмиз. Ҳеч бўлмаганда, спорт билан шуғулланиб, чиниқсам дейман. Ҳарқалай, фойдаси бор. Кайфиятнинг кутарилишини айтмайсизми.

Суҳбатдошимиз Саида Мамажоновна 800 нафар аёл ичидан биринчилардан бўлиб финиш чизигига етиб келди. Қизини, икки километрлик масофани кўрмадим, деганлар орасида бу опамиздан ёши анча улуглар ҳам бор экан. Масалан, олтишга борган

**Кун келиб, давлат мендан ҳол-аҳвол сўраши, уйимни таъмирлаб бериши мумкинлиги тушимга ҳам кирмаганди...**



олишгача имконият яратиб берган ҳатто. Энди ўзимиз ҳам ҳаракат қилишимиз керак-да!

Югуриш марафонидан кейин старт чизигида ҳаваскор велоспортчилар тизилди. Дарвоқе, Норинда веломамарон мусобақасини ўтказиш ҳам алақачон урфга кирган экан. Бу ҳам Ёшлар иттифоқидан чиққан ташаббус.

— Ҳафтанинг пайшанба кунлари 80-100 талаб одам велосипеди билан шу ерда йиғилади, — дейди ташкилотнинг туман кенгаши раиси Маъмурбек Қаримов. — Ҳеч кимни тақлиф қилмаймиз, ҳамма ўзидан билиб келаверади. Ишонмайсиз, мусобақада етмиш яшар чоллар ҳам қатнашмоқда. Охирида голибларни тантанали равишда турли қимматбахо совғалар билан тақдирлаймиз. Туман аҳли бундай лойиҳаларнинг кўпроқ бўлишини хоҳлайди. Биз уларнинг фаоллигини баҳоли қудрат қўллаб-қувватлашга тай-ёрмиз!

Зухра Азимова ва Манзура Элчиёва ҳар марафонда совриндорлар сафидан жой олади.

— “Учтепа” маҳалла фуқаролар йиғини раисман, — дейди З.Азимова. — Мусобақага ўзим билан бирга маҳалламиз ёшларини ҳам олиб келдим. Мана шундай ташаббуслар сабаб охириги пайтада туманимизда спортга қизиқувчилар сонини сезиларли равишда ортди. Қувонарлики, энди аёллар ҳам сузиш эътиборларига бўлиб, эринмай эрталабки бадантарбия, гимнастика машқларини бажармоқда.

у китоб излаб неча километр узоқликдаги вилоят марказига боришга мажбур бўларди. “Энди эса, бунга ҳожат йўқ, — дейди Ҳасанбой. — Янги кутубхонанинг ишга тушганидан хурсандман. Ҳафтасига уч кун келаман. Аяни вақтда тарих ва инглиз тили фанларидан аудиокинолар тинглаб, билимни мустаҳкамлаяпман. Ёшлар иттифоқи фаоллари туманимизда кўпдан-кўп хайрли ишларни бажарди. Бунинг учун уларга катта раҳмат! Йиллар давомида ечимини топмай келган масалалар мана энди, тезда ҳал бўлмоқда. Қишлоқларга тараққиёт кириб келяпти, маҳаллааримизнинг қиёфаси ўзгарапти. Охириги бир неча ой ичида Норинда қанчаллаб янги спорт объектлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик корхона ва дўконлар ишга тушганини ҳозир санаб ҳам беролмайман. Яқинда ўзим яшаётган кўча бошида “Ёшлар матбуоти” шохобчаси ўрнатилди. Қизиксам, у ерда ёшлар учун мўлажалланган газета ва журналлар сотуви йўлга қўйилган экан. Бундан ташқари, махсус ёланган почталарнинг ушбу нашрларни кам таъминланган оилалар хонадонларига бепул етказиб берапти. Жуда зўр таъжир! Бунақаси Норинда ҳали бўлмаган.

**Икки километрлик масофани кўрмадим, деганлар орасида олтиш ёшдан ошганлар ҳам бор.**

минг чандон зиёда фойда билан қайтиши аниқ. Юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сёбсати нечоғлиқ пухта ўйланганини мана шундан ҳам билса бўлади.

**ПАЙШАНБА КУНИ — ВЕЛОМАРАФОН, ЯҚШАНБАДА — ЮГУРИШ МУСОБАҚАСИ**

Эртаси кунини тундан журналистларга Норин туманида бўлиш тайинланди. Соат тўққизга қолмай водийнинг ўчқур улоғи бизни Ҳаққулобод — Учқўрғон йўналиши-

**БУНАҚАСИ НОРИНДА ҲАЛИ БУЛМАГАН**

Қизгин мусобақалардан руҳлиниб, навбатдаги манзил, — туман матбуот ва ахборот-кутубхона маркази томон йўналиди. Марказнинг очилганига эндигина

рени олиб бордик. Қишлоққа 7 километрлик сув қувури тортилди. Кўпга қолмай, электр тоқини ҳам етказиб берамиз. Битта стадион замонавий ҳолга келтирилди, энди тренажер залини қуришга киришдик. Бундай ўзгаришлардан маҳалла аҳли мамнун. Ўзлари ҳам четда қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ёшу қари енг шимариб ишляпти.

Дабдурустан қурилиш бўлаётган хонадонлардан бирига кирдик. Остонада бизга оила боши Ҳамидулла Самадов пешвоз чиқди. Ҳамидулла аканинг уч нафар фарзанди бор. Катта ўғли институтда шартнома асосида ўқийди. Қолган иккитаси ўқувчи. Бир ўзи ҳам рўзгор юқини

**УЛАР БЕГОНА ЭМАС-КУ!**

“Қўшчи”, “Дўстлик”, “Қоратери”. Аяни пайтада Норин туманининг бу уч манзилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида қурилиш ишлари баравж олиб бормоқда. Биз туман марказидан 22 километр олинса жойлашган “Қоратери” маҳалласида бўлдик. Асфальтланмаган тупроқ йўл. Икки ёндан турнақотар тизилган пастқам хонадонлар. Аксарияти пахса девор билан ўралган, азбаройи қаровсиз қолганидан нураб бормоқда. Наҳотки, халқ шу алфозда йиллар давомида яшаб келаётган бўлса?!

— Бир ҳақиқатни айтишга мажбурман — кўпчилигимиз боқиманда бўлиб қолганмиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари Валишер Нуралиев. — Дангасалар ҳам кўп-да. Имкони бўлганда, уй-жойимизни тикласам, маҳалламни обод этсам, бир парча еримда экин-тиқин қилиб, рўзгор тебратсам демайди. Мана энди, Юртбошимиз ҳаммани уйғотяпти. Қоратериликларни қаранг, жазирима кунда ҳам ҳашарга чиқиб, жавлон уриб меҳнат қилмоқда. Эътибор бердингизми, аксарияти ёшлар. Иттифоқ вақтинча ишсиз йигит-қизларга бош бўлиб (80 нафари иккита меҳнат отрядига бириккан — **ИЗОҲ МУАЛЛИФИНИ**), эски боғча биносининг демонтаж ишларини бажаряпти. Ҳадемай бу ерда янги, барча талабларга жавоб берувчи иншоот қад ростлайди. Шу кунгача 461 хонадонда таъмирлаш иш-

кўтаришга, ҳам контракт пулини тўлашга мажбур. Бу ёқда рафиқасининг юраги чатоқ, икки марта операцияни бошидан ўтказган.

— Анча йил олдин болаларга янги уй соломқчи бўлиб мана шу иморатни бошлаб қўйгандик, — дейди оила бекаси Шоира Ғозиева. — Аммо харажатлар кўпайиб, битказишнинг имкони бўлмади. Президентимизни ҳар кун дуо қиламан. Шу инсон халқнинг ғамини еяпти. Биз каби минг-минглаб оддий одамларнинг ташвиши билан яшамоқда. Кун келиб, давлат мендан ҳол-аҳвол сўраши, уйимни таъмирлаб бериши мумкинлиги тушимга ҳам кирмаганди...

Она кўз ёшларини тиелмади. Рост, қаршимизда турмуш зарбаларидан эзилган муштипар қишлоқ аёли турарди. Қўзлари жиққа ёшга тўлган бўлса ҳам, аммо нигоҳидан аламзадалиқни эмас, умид учқурларини, бошига тушган қийинчиликлар тез орада ортада қолиб, рўшноликка эришишига собит ишончини туйдик. Чунки давлатимиз бундай инсонлардан ёрдамни аямаяпти. Қийин дамда суямоқда, далда бермоқда. Ахир, улар бегона эмас-ку!

Машинамиз кўчани чангиб асфальт йўлга чиқди. Пана-пастқам уйлар ҳали ортада қолгани йўқ. “Қоратери”дан узоқлашдикми? — деб сўрайман ҳайдовчидан. “Йўқ, опа. Маҳалланинг йўлларини асфальтлаб бошлашибди. Ҳу, ана у ердаги техникани кўряписми? Чамаси,



### МАНТИҚИЙ МАТЕМАТИКА, РОБОТОТЕХНИКА ВА ФИКРЛАШ ДИЗАЙНИ

Роҳатой ҚОДИРОВА

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетидан илк бор ташкил этилган “Inha Tashkent Summer School” ёзги мактаби битирувчиларига сертификатлар топширилди. Инновацион лойиҳанинг биринчи мавсумида 9 ёшдан 16 ёшгача бўлган 240 нафар ўқувчи қатнашди.



Болалар бир нечта гуруҳга бўлиниб, мантиқий математика, инглиз тили, қизиқарли физика, дастурлаш, робототехника ва фикрлаш дизайни бўйича сабоқ олади.

Кичик ёшдаги иштирокчилар турли электрон қурилмаларнинг тузилиши билан танишган бўлса, каттароқ болалар “Arduino” аппарат-дастурий таъминоти асоси-



### ИЖАРА ПУЛИНИ ТЎЛАШГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

Сумбулой НУРМЕТОВА

Янгибозор туманида ёшлар тадбиркорлик кластери ташкил этилди. Унда биринчи бўлиб чевар опа-сингиллар: Зумрад, Зебо ва Гулҳаё Нурметоваларнинг корхонаси рўйхатдан ўтди.



Энди тенгдошларимиз тикув шеҳи учун ижара пулини тўлаши шарт эмас. “Бундай амалий ёрдам учун Ёшлар иттифоқига алоҳида ташаккур билдираман, — дейди Зумрад Нурметова.

— Корхонага 20 нафар ходимини ишга қабул қилдик. Кўп буюртмалар оляпмиз. Яқинда қозғистонлик ҳамкорлар билан трикотаж маҳсулотларини экспортга чиқариш бўйича шартнома имзолаймиз”.

(Материал Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ташкил этилган медиатур доирасида тайёрланди.)

TAASSUROT

Шерзод МАХМУДОВ

СЕНИ СОҒИНАМИЗ,  
САМАРҚАНДИ!



Самарқанд таассуротлари ҳақида ёзгим келди. Яқинда қўхна заминда ўтказилган Марказий Осиё ёшлари форумида кўнглимдан ўтган кечинмаларни қозоғга туширдим. Замонамиз шoirининг Самарқанд ҳақида битган шеърини сизга илдиним:

Мовий гумбаз, мовий осмон — қуёшли кунларинг гузал!  
Улуғбекнинг юлдузлари тиниқ тунларингни безар.  
Меҳмоннавоз, бўлбуловоз шахрим узра жоним сезар,  
Юксакликка чорлаб рўй-рост, боболарим руҳи кезар.

Ушбу сатрлар қалбга тўғри етиб боради. Зотан, самарқандликларнинг меҳмоннавозлиги, хушфелилиги бошқача. Бунга узим гувоҳ бўлдим. Самарқанднинг ҳавосидан бир бор баҳра олган, нон-тузини тотган инсон борки, яна шу заминга қайтишни хоҳлайди. Биз

қўхна кентда уч кун меҳмон бўлдик. Биринчи бор ўтказилаётган Марказий Осиё ёшлари форумини нашримиз саҳифаларида ёритдик. Автобусимиз вокзал томон одамлайди. Замонавий шаҳар кўчалари лип-лип этиб кўз ўнгингдан ўтади. Бизга қадрдон

бўлиб қолган "Регистон" меҳмонхонаси, маҳобатаи "Динамо" спорт йўнгоҳи... Ниҳоят, Самарқанд темир йўл вокзали. Ичкарига қадам қўямиз. Поезднинг ҳаракатланишига ҳали вақт бор. Рўйи замин сайқалига келиб, ундан нимадир олиб кетмаслик — булоқ бошига

бориб, сув ичмай қайтиш билан баробар. Вокзал ичидаги дўконларни айланамиз. Бир томонда тандирдан эндигина узилган мағизли, ширмой нонларнинг иси димоғни қитқилайди. Неча минг йиллардан бери зиёратчиларнинг ҳайрати ва таҳсинига сазовор бўлиб келаётган шу улуғ неъматни авайлабгина қўлга оламиз. Сал нарида самарқандча сувенирлар сотилмоқда. Моҳир хунарманлар томонидан печда пишитилган истараси иссиқ нуруйи отахон қиёфасидаги сопол ҳайкалча, қизлар меҳр билан тўқиган каштали сумкачалар, тарихий қадамжолар акс этган суратлар... Буларнинг олдидан бефарқ ўтиб кетолмайсиз. Кетгимиз келмайди. Меҳмонларнинг ширин мулозаматини кўрсатамиз. Уч кун аввал карнай-сурнай, қарсақлар садоиси остидаги "Хуш келибсиз, Самарқандга!" деган хитоб ёдимизга тушади. На илож, Тошкентга қайтиш керак. Насиб қилса, диёримизнинг мўъжизакор шахрига яна ташриф буюрамиз. Сени қаттиқ соғинамиз, Самарқанд!

ЭНЦИКЛОПЕДИК МАЪЛУМОТ

Спитамен — Суғдийнада Ватан озодлиги йўлида Александр Македонскийга қарши кўтарилган халқ кўзғолони раҳбари. Отаси сак, онаси суғд қабиласига мансуб бўлган. Спитамен ёшлигида абжир, чаққон йигит эди. Отада чопиш, камон отиш, қиличбозликда унга ҳеч ким тенглаша олмаган. Спитамен юнон-македон истилочиларига қарши уч йил давомида мардонавор курашди. Аррианнинг ёзишича, кўзғолончиларга қўшилган кўчманчи массагет қабилалари раҳбарлари Александрнинг чўл ичкарисига юриш қилишидан хавотирланиб, Спитаменни ўлдириб (милоддан аввалги 328 йил), бошини Александрга юборади.

КИТОВ JAVONINGIZGA

Ҳасан УСМОНОВ

БИР ЖАРАЁН ҚИССАСИ

Жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўқиганимизда, улар орқали бошқа халқларнинг турмуш тарзини билиб оламиз. Миллатнинг ўнмиши, маданияти, санъати кўз ўнгимизда намоён бўлади. Ҳаттоки ёзувчи қўллаган сўз ва иборалар, мақол ва афоризмлар ҳаётдаги шорингизга айланиб қолади.



Чех адаби Франц Кафканинг "Жараён" романини ўқир экансиз, ёзувчи сизга бир неча саволлар билан мурожаат қилади. "Мақсадларингизга эришиш учун нималар қилдингиз? Қандай режаларингиз бор? Ҳаракатдан тўхтаб қолмадингизми?" Мана шу уч сўроқ сизни замбаракдан ўққа тутгандек бўлади. Ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишни ўргатади. "Афтидан, кимдир Йозеф К.га тўхтаб қилган чоғи, ахир ҳеч кимга ёмонлик қилмаган, бирон бир ноқуя иш ҳам содир

этмаганди, шунга қарамай уни ҳибсга олишди...". Кимдир ҳибсга олинди, демак, ҳадемай суд жараёни бошланади. Одатда шу аснода вазиятга ойдинлик киритилади, ҳақиқат аёнлашади. Асарнинг номини ўқиб, биринчи навбатда шу фикрлар хаёлингиздан ўтади. Уша суд жараёни ҳақидаги тафсилотларни билишга ошиқасиз. Хўш, бундан кейин Йозеф К. қандай йўл тутар экан? Ҳаммасига тан бериб орқага қайтадими? Ёки курашишда давом этадими?

Воқеаларни фақат сўзлаб бериш кифоя қилмайди. Асарни диққатни бир жойга жамлаб ўқиш керак. Ушанда муаллиф қандай муаммони кўтарганини англайсиз. Ҳаётда инсон турли синовлардан ўтади. Баъзида ноҳақликларга учраши мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда матонатли, жасур одамлар галаба қозониши аниқ. Китобда мана шу гоյяққол ифода этилган. Франц Кафка "Жараён"ни ёзганида тахминан 30-35 ёш эди. Шу ёшда ҳаётнинг бу қадар мураккаб томонларини қандай қилиб битта қаҳрамон тиссолида мужассам эта олди экан, дея ҳайратланасиз. Бу савол ҳали-ҳануз адабиёт ихлосмандаларини уйга толдиroomқа, баҳс-мунозарарга чорламоқда. Романда шундай жумла бор: "Ҳар куни яшаш учун курашга чиқмаган инсон севвиш ва яшашга лойиқ эмас". Ҳаётини широрга айланишга лойиқ гап. Кафканинг "Жараён"и сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

SHAKARXANDA



Бешинчи қаватда яшайдиган зикна одам ўлига туффи олиб бериб: — Зинадан чиқишда битта зина ташлаб чиқкин, шунда туфлинг орқадаги зинага тегмай, ишқаланиш камроқ бўлиб узокроқ чидайдди, — дебди. Бироздан кейин ўғил шими йиртиқ ҳолда кириб келибди. Буни кўриб зикнанинг жони чиққудай бўлиб: — Шиминг нега йиртилди? — Туфлин кўпроққа чида-син деб, бир эмас, икки зина ташлаб тепага чиққандим.

PSIXOLOG MASLANATI

— Негадир диққатим тарқоқ. Ўзимдан қониқмаяпман. Бир ишни бошлаб қўяману, бошқасига чалғиб кетаман. Назаримда, вақтим беҳуда ўтаётгандек. Нима қилай, маслаҳат бериб?

Ҳилола САМАДОВА  
Жиззах вилояти

Савола психолог  
Забинисо АҲМЕДОВА  
жавоб беради:

— Аввало, ҳафта давомида ҳар куни нима билан машғул бўлганингиз, қандай юмушга қанча вақт сарф-



лашингизни таҳлил қилинг. Шунда вақтингизни қайси ишлар "ўғирлаётгани" аёнлашади. Маслаҳатим, ҳар тонг бажаришингиз керак бўлган вазифалар кетма-кетлигини муҳим ва номуҳимлигига қараб тузиб чиқинг. Уларни дафтарга ёзиб

қўйган маъқул. Вақтдан унумли фойдаланинг. Дейлик, шифокорга навбатда турибсиз ёки мажлис ҳадеганда бошланмаяпти. Шундай вазиятда бошқа зарур машғулотиңизни бажариб олишга ҳаракат қилинг.

YOSHLIK ILHOMI

ДЎСТЛИК

— Бунингиз бунча мендан пул сўрамаса, қўйлакка деб йаняб қўйганимни ҳам совуриб бўлди, — деди она бир бурчакда мулзам турган ўғлини қойиб. — Онанинг берганларини нима қилдинг,

тирмизак?! — жаҳл қилди ота ҳам. — Мен... мен... Уртоғим Расулнинг кўзойнағи синиб қолгани учун унга янғисини олиб бергандим. Унинг кўзи яхши кўрмайди.

Катта-кичик давраларда тўёна ҳақида гап очилса Шарифжоннинг бошига орғиқ кирадиган бўлиб қолган. Нега дейсизми? Марҳамат, эшитинг.

Шарифжон кенжотойининг қўлини ҳалолаш мақсадида суннат тўйи қилганида божаси Эргашали тўёна сифатида отарчиларни хизматга олиб келган эди. Қиёмат қарз.

Ҳаммаси божаси Эргашалининг тўнғич қизини узатишидан бошланди. Хотинига тўёна ҳақида оғиз очган эди, эшитадиганини эшитди. Нима эмиш, сингисининг қизи ўқиган коллеж жамоаси яқинда "Уламан" кўшиғи билан ном таратган машҳур хонандани ёқтирар эмиш. Шавла кетса кетсин, деганларига амал қилиб тўйдан ўн кун олдин Шарифжон бисотидаги соғин сигирни сотди-да, ўша санъаткорни галлашнингиятида пойтахтга бориб келиш режасини тузди.

Қўшни маҳалладаги санъаткорлар билан ош-қатиқ Қосим пиённинг бу борода малакаси борлигини эшитиб, унга маслаҳат

Одилбек ЛАТИПОВ

МЕҲРИБОНЛИК  
УЙИДА

— Опа, сиз ҳам Хизр бобони кутаяпсизми? — Ҳа. — Ундан нима сўрамоқчисиз? — Ўз ота-онам келиб олиб кетишини. Сен-чи? — Мен эса, янги ота-она сўрамоқчиман...

Баҳоидир ҚИРОНОВ

ТЎЁНА  
(тўқилмаган ҳангома)

соли. — Ниятинг яхши, — деди Қосим пиён бошини гугурт чўпи билан қашлаб, — аммо у санъаткор тўйга келиши қийин. Бунга унча-мунчанинг қурби етмайди. — Хўш, унда нима қил, дейсан? — дея кўзларини илнж маъносидан Қосим пиёнга тикиди Шарифжон. — Агар хўп десанг, бир йўли бор. Қўшни туман марказидаги маданият уйида бир хонанда бор, сен айтган артистнинг ўзи. Уша "Уламан" кўшиғини айтишни қийиб қўяди. Яхшилаб бўянса ҳатто хотинлари ҳам бир-бирдан ажрата олмайди. Бундан ташқари, ҳозир тўйлардаги кўшиқларнинг бари фонограммада айтилмайпти. Хўш, шунга келишилди. Белгиланган кун пойтахт номерини осган яп-янги "Нексия"да кўшни борлигини эшитиб, унга маслаҳат

тўйга ташриф буюрди-да, "Уламан" кўшиғини қирқ бир марта айтиб, келишилган пулни олдию кетди. Тўй жуда зўр ўтди. Ҳеч кимдан шикоят бўлмади-ю, Қосим пиённинг қайфи охиб қолиб, қиз кўвниқига кетар маҳали қовун тушириб қўйишига бир баъра қолди. — Агар ҳозир беш юлдузлисидан бўлмаса... Шарифжон сир ошкор бўлиб қолмасин дея дўконга югуради. Қоньянини қўлтиқлаб келганида Қосим пиён ғўзапоя устида хуррак отиб ётар, тўйхонада фақатгина божасининг ўртоқлари қолганди. Мана ўша воқеага ҳам икки йил бўлди. Икки йилдирки, Қосим пиённинг томоғи Шарифжоннинг ҳисобидан "қичийди". Яқинда божаси ўғил неварасига катта тўй қилишини эшитиб, Шарифжон бир йўла икки новосни тўёнага атаб боқяпти. Уша "Уламан"ни айтган артист соғ-саломат юрса бас...

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

- 6. Qadriyat. Ibratli so'zlar: Gazeta — jamiyat oynasi. Jurnalist muammoni qalb nuri bilan yoritib ko'radi. Bo'yiga: 1. Dizayner. 2. Odobnoma. 7. Kutubxona. 8. Misra. 9. Adiba. 19. Mavzu. 20. Uslub. Diagonal bo'yicha o'ngga:

- 1. Darak. 3. Kuplet. 5. Turk. Diagonal bo'yicha chapga: 1. Ocherk. 3. Kitob. 4. Bayt. Eniga: 4. Bet. 6. Maket. 18. Qomus. "Zanjir" holdida: 11. Gazeta. 12. Asar. 13. Risola. 14. Adad. 15. "Taraqliq". 16. Yilnoma. 17. Adabiyot. Yoy bo'yicha: 8. Muqaddima. 10. "Mahalla".

SAYOHAT

МИНГ БОР  
ЭШИТГАНДАН КЎРА...

Шухрат ОРИПОВ



"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ ташаббуси билан ташилот тизимида фаолият кўрсатаётган ёш ходимлар учун қўхна Хива шаҳрига саёҳат уюштирилди. Саёҳат давомида улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриб, қўхна обидалар, тарихий ёдгорликларни томоша қилди. Айниқса, "Очиқ осмон остидаги музей" дея аталадиган Ичан қалъа маж-

муаси ёшларда унутилмас таассурот қолдириди. — Минг бор эшитгандан кўра, бир бор кўрган афзал, — дейди банк ходими Динара Қосимова. — Хивага биринчи келишим. Таассуротларимни сўз билан ифодалаш қийин. Саёҳат давомида бошқа филиаллардаги ҳамкасбларим билан яқинроқ танишиш имконига эга бўлдик.

O'QING, BU QUIZIQ!

Манбаларда кўзойнақлар ҳақида кўпгина қизиқарли фактлар учрайди. Айримларини ҳавола этдик.

- ✓ Рим императорлари гладиаторлар жангини зумрад билан зийнатланган ойна орқали томоша қилгани маълум.
- ✓ Илк ўрта асрларда Хитой судьялари гувоҳларни сўров қилиш чоғида кўз ифодасини беркитиш мақсадида кўкиш кварц пластиналардан фойдаланган.
- ✓ XIX аср охиридан кўзлари ёрқин нурдан касалланган одамлар қаҳраб (сарик ва жигаранг) кўзойнақ тақа бошлаган. Кейинчалик таниқли киноактёрлар ҳам бошқалар таниб қолмаслиги учун шундай йўл тутган.
- ✓ Кўёшдан химоя қилувчи арзон кўзойнақлар 1929 йилда Америкада оммавий ишлаб чиқарила бошланди.

Маъмура ХЎЖАҚУЛОВА тайёрлади.



Интеллектуал салоҳиятиңизни сынаб кўриш мақсадида газетанинг 74-сонини (2018 йил 26 июньда) "Науот ко'згуси" билимдонлик машқини эълон қилган эдик. Қўйида унинг жавоби билан танишишингиз мумкин. "НАУОТ КО'ЗГУСИ" билимдонлик машқларингиз жавоблари: МУАММОНОМА. Калит со'злар: 1. "Tarjimon". 2. "Nuroiniy". 3. "O'zbeгим". 4. Masal. 5. Darak.

МУАССИС  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИҒОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта бўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Қамолiddин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Абдуллаев Хуршид  
Ўқтамжонович  
Норбоев Жамолiddин  
Жуманазар ўғли  
Навбатчи  
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни қўчириб босиб таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-89 (факс).  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz  
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида.  
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоиси келтирилган нарҳда.  
Буғулма Г. 736  
Адади — 12950  
Босишга тошириш вақти — 21.00  
Тоширилди — 00.35  
ЎЗА яқини — 00.20